

---

## ТОЗАЛИК, САРАМЖОНЛИК БОР ЕРДА ФАЙЗУ БАРАКА БЎЛАДИ

Кеча хабар берганимиздек, бугун туманимиз бўйлаб ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Айниқса, туманимиз ҳудудидан ўтган катта йўл қисмларида ишлар авжида.

Йўллар бўйининг ҳар бир қарич ерида ишлар кетяпти, десак янглишмаймиз. Ободонлаштириш бошқармаси ходимларининг 100 нафардан зиёд ишчилари бегона ўтларни ўриб-чошиб, тозалаш, дарахтларни оқлашмоқда.

Қўшни Бўстон тумани чегарасидан то Уйчигача А-373 йўлнинг туманимиздан ўтган 44 километр қисмида йўллардан фойдаланиш унитар корхонасининг 150 нафардан ортиқ ходимлари оқлаш-қоралаш, таъмирлаш ишларини олиб бораётганликларини кўрасиз.

Шунингдек, Улуғнор чегарасидан Қўштепа чегарасигача бўлган йўлда ҳам ободонлаштириш ишлари қизғин кетмоқда. Ишга барча бирдек ёндошмоқда.

Тозалик, сарамжонлик бор ерда файзу барака бўлади дейишган.

ЁЗЁВОН ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ АХБОРОТ ХИЗМАТИ

2023-04-05 15:45:19